

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ХУДОЁРОВА ФЕРУЗА АБДУСАТТОРОВНА

**ЮҚОРИ МАҲСУЛДОР ҚОРАМОЛЛАР НЕКРОБАКТЕРИОЗИ
ЭТИОЛОГИК ОМИЛЛАРИ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

**16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2021

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)
по ветеринарным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on veterinary sciences**

Худоёрова Феруза Абдусатторовна

Юқори маҳсулдор қорамоллар некробактериози этиологик омиллари, даволаш ва олдини олиш.....	3
---	---

Худоёрова Феруза Абдусатторовна

Этиологические факторы, лечение и профилактика некробактериоза высокопродуктивных коров.....	21
---	----

Khudoyorova Feruza Abdusattorovna

Etiological factors, treatment and prevention of necrobacillosis of highly productive cows.....	37
--	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ List of published works.....	41
---	----

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ХУДОЁРОВА ФЕРУЗА АБДУСАТТОРОВНА

**ЮҚОРИ МАҲСУЛДОР ҚОРАМОЛЛАР НЕКРОБАКТЕРИОЗИ
ЭТИОЛОГИК ОМИЛЛАРИ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

**16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/V6 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samvimi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамдамов Хабибуло Аблокулович
ветеринария фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мамадуллаев Гулмурод Хамидович
ветеринария фанлари доктори

Менглиев Ғайрат Акрамович
ветеринария фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 06/30.12.2019.V.12.01 рақами Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» 07 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77 ўй. Тел.: (+99866) 234-76-86; e-mail: samvimi@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14:04 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-уй. Тел.: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «25» 06 куни тарқатилди.

(2021 йил «25» 06 даги 11-рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

Ш.Х.Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.н., доцент

Қ.Н.Норбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда қорамолларнинг некробактериоз касаллиги кенг тарқалган бўлиб, қўзғатувчининг комплекс патоген таъсирида, туёқ касалликларидан ташқари, кўпинча ошқозон яраси, жигар абсцесси, елинларнинг некрози, эндометрит, вагинит каби патологик жараёнлар катта иқтисодий зарар келтирмоқда. Дунёнинг интенсив қорамолчилик мамлакатлари, жумладан, «Канада, АҚШ, Нидерландлар, Германия, Венгрия ва Франция сингари давлатлар амалиётида туёқлардаги муаммолар қорамолчилик хўжаликларида тарқалиш бўйича мастит, репродуктив органлар патологиясидан кейин учинчи ўринни эгаллайди»¹, «Касаллик туфайли сигирлар 30-40% гача тирик вазнини йўқотади, бир лактация даврида сут маҳсулдорлиги бир тоннагача пасаяди, 25% ҳайвонлар эрта йўқотилади»². Бинобарин, ҳайвонлар некробактериоз касаллиги оқибатида чорва маҳсулотларининг сифатини миқдори пасайишидан катта иқтисодий ва ижтимоий зарар вужудга келмоқда.

Дунё миқёсида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари оёқларининг дистал қисмининг касалланиш сабаблари, патогенези, ҳайвон иммун тизими хусусиятлари, касалликларни даволаш ва олдини олиш бўйича бир қатор мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада интенсив фермаларнинг қорамоллари орасида кенг тарқалган некробактериоз касаллигига вақтида ташҳис қўйиш ва хўжаликда бартараф этиш йўналишида олиб борилган тадқиқотларга катта эътибор қаратилиб, некробактериозни эпизоотологияси, этиопатогенези ва мавсумийлигини аниқлаш, ҳамда даволаш ва олдини олишда самарали таъсир этувчи антибиотиклар ҳамда иқтисодий тежамкор, жароҳатларни тез битказувчи услубларини такомиллаштиришга қаратилган замонавий тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда сўнгги йилларда чорвачилик соҳасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнларини тубдан ўзгартириш, маҳсулотлар турларини диверсификациялаш ва уни сифатини халқаро стандартларга етказишга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш»³ мухим вазифа қилиб белгиланган. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик ҳайвонларида учрайдиган юқумли, юқумсиз ва инвазион касалликларни

¹Malchiodi F., Jamrozik J., Christen A.-M., Fleming A., Kistemaker G.J., Richardson C., Daniel V., Kelton D.F., Schenkel F.S., Miglior F. Symposium review: Multiple-trait single-step genomic evaluation for hoof health. *Journal of Dairy Science*. VOLUME 103, ISSUE 6, P.5346-5353, 2020. DOI:<https://doi.org/10.3168/jds.2019-17755>.

²Thomsen P.T., Foldager L., Raundal P., Capion N. Lower odds of sole ulcers in the following lactation in dairy cows that received hoof trimming around drying off. *The Veterinary Journal*, Volume 254, 2019, 105408., <https://doi.org/10.1016/j.tvjl.2019.105408>.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил.

олдини олишда ишончли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада некробактериоз касаллигига тезкор диагноз қўйиш, уни бошқа туёқ ва оёқ касалликларидан диверсификация қилиш, фермада некробактериоз касаллигининг тарқалишини олдини олишда самарали даволаш ва профилактика ишларини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартағи ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 28 мартағи ПҚ-4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сон «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага доир бошқа хукуқий-меъёрий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация доирасидаги тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технология ривожлантиришнинг V «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикаизнинг айрим худудларида қорамоллар некробактериозидаги патологик жараёнларнинг баъзи хусусиятлари борасида И.Х.Салимов маълумотлар келтирган. У туёқлар ҳимоя шоҳ қобигини заифлашиши туёқларда ёриқлар ва патоген микроблар некробактериоз ривожланишига олиб келиши тўғрисида маълумот берган, лекин касалликнинг келиб чиқиши бўйича мажмуавий маҳсус тадқиқотлар олиб бормаган. Шунингдек, дунё миқёсида некробактериознинг эпизоотологияси, этиопатологияси, мавсумийлиги, самарали даволаш ва олдини олиш борасида M.M.Garcia, T.M.Buchanan, J.L.Dzink, M.J.Avila-Campos, J.F.Warner, G.Rowlands, С.И.Джупина, А.А.Самоловов, С.В.Лопатин, М.С.Борисов, В.А.Мищенколар томонидан илмий жиҳатдан асосланган натижалар олинган.

Аммо охирги 30-40 йилда Ўзбекистонда некробактериознинг эпизоотологияси бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Бугунги кунда республикамизда чорвачиликни ривожлантиришга эътибор кучайиши, чет элдан катта миқдорда наслли қорамолларни олиб келиниши, улар орасида янги иқлим ва парвариш шароитида айниқса туёқ касалликларини олдини олиш борасида янгича ёндашув талаб этилмоқда. Шунинг учун, Ўзбекистон шароитида некробактериоз қўзғатувчисининг тарқалиши, касалликнинг этиопатогенези, мавсумийлиги, самарали даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича илмий тадқиқот ишларини ўтказиш муҳим масалалардан

бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ҚХА-8-024-2015 «Ветеринария биопрепаратларини тайёрлашда фойдаланиладиган микроорганизмлар штаммларининг биологик, морфологик, иммунологик кўрсаткичларига илмий асосланган талабларни ишлаб чиқиши» мавзудаги илмий-амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда илк бор қорамоллар орасида некробактериоз касаллигининг эпизоотик ҳолатини ўрганиш, унинг тарқалиш даражасига аниқлик киритиш, мавсумийлигини ва этиологик омилларини ўрганиш, касалликка ўз вақтида тўғри ташҳис қўйиш, замонавий даволаш усулларини ҳамда олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасининг қорамолчилик фермер хўжаликларида некробактериознинг эпизоотик ҳолатини тадқиқ қилиш;

республиканинг турли миңтақаларида қорамолларнинг некробактериоз билан касалланиш даражасининг мавсумийлигини аниқлаш;

Ўзбекистон шароитида қорамоллар некробактериозининг этиологик омилларини аниқлаш;

некробактериозни тезкор аниқлаш мақсадида дифференциал ташҳислаш услубини ишлаб чиқиши;

Ўзбекистон шароитида некробактериозни иқтисодий тежамкор ҳамда самарали таъсир этувчи даволаш ва олдини олиш услубларини ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг қорамолчилик хўжаликлари, улардаги юқори маҳсулдор қорамоллар, некробактериоз касаллигининг қўзғатувчиси *Fusobacterium necrophorum*, давлат ветеринария хизматининг республикада ҳайвонлар ҳаракати бўйича маълумотлари, ветеринария медицинаси амалиётидаги антибиотиклар ва кимёвий препаратлар, чорвачилик бинолари, ҳайвонлар учун турли озуқалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб некробактериоз қўзғатувчисининг микробиологик текширишлар натижалари, эпизоотологик текширишлар, касаллик мавсумийлиги, қўзғатувчининг патоген таъсирининг намойиши, касалликка мойил органлар, организмда биологик мувозанатнинг бузилиши, туёқлар жароҳатлари, касаллиқдан келиб чиқадиган иқтисодий зарар, рационлар ва озиқлантириш технологиялари, чорвачилик биноларининг зоогигиеник ҳолати, касаллик механизмида этиологик омиллари, қўзғатувчининг антибиотикларга сезувчанлик хусусияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда ветеринария илмий-тадқиқот амалиётида қўлланилаётган ҳамда Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлигини ҳимоя қилиш ташкилотининг «Ер усти ҳайвонлари учун диагностик текширувлар ва вакциналар» қўлланмасида қайд этилган клиник, морфометрик,

бактериологик, патологоанатомик, биокимёвий, иммунологик, эпизоотологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор қорамолчилик фермер хўжаликларида некробактериоз касаллигининг эпизоотик хусусиятлари, унинг турли туёқ касалликлари билан ўзаро таъсири, *Fusobacterium necrophorum* ни фаоллаштирувчи ва эпизоотик жараёнининг барқарорлигини таъминлайдиган механизмлари аниқланган;

республиканинг турли минтақаларида қорамолларнинг некробактериоз билан касалланиш динамикасининг жадаллиги қиши ойларида 36,35% ташкил этиб ёз ойларига нисбатан 3 баробаргача юқори эканлиги аниқланган;

юқори маҳсулдор қорамоллар рационида қанд-протеин нисбатининг номутаносиблиги ва унининг оқибатида катта қорин pH кўрсаткичи пасайиши некробактериоз касаллигининг этиологик омили бўлишида тўғридан-тўғри корреляцияси аниқланган;

қорамоллар некробактериозини ўз вақтида даволаш учун бошқа туёқ касалликларидан клиник белгилари асосида дифференциал ташҳислаш услуби такомиллаштирилган;

қорамоллар некробактериозини даволашда самарали таъсир этувчи антибиотиклар ва олдини олишда иқтисодий тежамкор ҳамда жароҳатларни тезда битказувчи туёқ ванналар таркиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

мамлакат бўйлаб эпизоотологик тадқиқотлар натижаларида юқори маҳсулдор соғин сигирлар орасида оёқ дистал қисмлари дисфункцияси 30,60% ҳолатларда учраши ва туёқлари жароҳатланган сигирлар орасида некробактериоз касаллигининг тарқалиш даражаси 51,11% ни ташкил этиши аниқланган;

некробактериоз касаллигининг мавсумийлиги асосан қиши ойларига тўғри келиши ва бу ойларда некробактериоз билан касалланган сигирлар сони ёзги ойларига нисбатдан 3 баробар кўпроқ қайд этилиши аниқланган;

юқори маҳсулдор сигирлар рационидаги қанд-протеин нисбати ва катта қорин pH кўрсаткичи туёқ касалликлари ва некробактериоз келиб чиқишига этиологик омил бўлишида тўғридан-тўғри корреляцияси аниқланган;

некробактериоз касаллигига тезкор ташҳис қўйиш мақсадида «Асосий туёқ касалликларнинг клиник белгилари жамланмаси» ишлаб чиқилди;

некробактериоз касаллигини иқтисодий тежамкор ҳамда самарали таъсир этувчи даволаш ва олдини олиш услублари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги текширишларнинг эпизоотологик ва микробиологик тадқиқотлар, даволаш-профилактика чора-тадбирларининг хажми ва мақбул қўллаш услубларини аниқлашда замонавий усуллардан фойдаланилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий тажрибалар билан чукур илмий таҳлил қилинганлиги, олинган натижалар мутахассислар томонидан юқори баҳолангандиги, чоп этилган қўлланмалар ва тавсиялар

тадқиқот натижаларини ишлаб чиқишига жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси қорамолчилик фермаларида некробактериоз касаллигининг эпизоотик ҳолати ва республиканинг турли минтақаларида некробактериоз билан касалланиш даражасининг мавсумий динамикаси бўйича илк бор маълумотлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти некробактериоз касаллигига тезкор ташҳис қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган «Асосий туёқ касалликларнинг клиник белгилари жамланмаси» ва некробактериоз касаллигини иқтисодий тежамкор ҳамда самарали даволаш ва олдини олиш услублари ветеринария амалиётида қўлланишида хизмат қилишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори маҳсулдор қорамоллар некробактериозининг этиологик омиллари, даволаш ва олдини олиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Қорамоллар некробактериоз касаллигига қарши кураш ва даволаш» бўйича тавсиянома тасдиқланган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 23 ноябрдаги 02/16-384-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларнинг ветеринария амалиётига жорий этилиши натижасида қорамоллар некробактериоз касаллигига қарши кураш ва даволаш ишларини самарали олиб боришга эришилган;

«Ўзбекистон сутчилик фермер хўжаликларида қорамоллар туёқ касалликларини олдини олиш» бўйича тавсиянома тасдиқланган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 23 ноябрдаги 02/16-384-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни қўллаш натижасида сутчилик фермер хўжаликларида некробактериоз ва туёқ касалликларини олдини олишда самарали ва иқтисодий тежамкор тадбирларни амалга ошириш имконини беради;

«Қорамолчиликка фаол инвестициянинг асосий мезонлари» бўйича қўлланма тасдиқланиб, барча худудлардаги қорамолчилик хўжаликларида қўлланилиб келинмоқда (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 23 ноябрдаги 02/16-384-сон маълумотномаси). Натижада сут ва гўшт йўналишидаги хўжаликлар раҳбарлари, ветеринария ва зоотехния мутахассислари, чорвачилик соҳаси раҳбарлари некробактериоз ва туёқ касалликлари тўғрисида замонавий маълумотларга эга бўлиб, республикада ушбу касалликлар билан заарланишини кескин камайтириш имконини берган;

қорамоллар некробактериозини даволашда самарали таъсир этувчи антибиотиклар ва олдини олишда иқтисодий тежамкор ҳамда жароҳатларни тезда битказувчи туёқ ванналар таркиби ишлаб чиқилган ва ветеринария амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 23 ноябрдаги 02/16-384-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида қорамолчилик хўжаликларида некробактериоз ва туёқ

касалликларининг тарқалиш даражасини 84-96 фоизга камайтиришга эришилган. Тадқиқотлар натижаларида ишлаб чиқилган олдини олиш ва даволаш услубларининг иқтисодий самараси 500 бош соғин сигирдан иборат ферма учун йилига 746 млн. сўмни ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 2 та ҳалқаро, 2 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, жумладан 3 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган. Олинган натижалар асосида 2 та тавсиялар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, тадқиқотнинг вазифалари, тадқиқотнинг обьекти, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг услублари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «Адабиёт маълумотлари ва уларнинг таҳлили» деб номланган биринчи бобида некробактериоз қўзғатувчиси *Fusobacterium necrophorum* нинг тавсифи, касаллик эпизоотологияси, этиопатогенези ҳамда диагностикаси борасида маълумотлар ва уларнинг таҳлили баён этилади. Шунинг билан некробактериоз касаллигига қарши мавжуд бўлган самарали воситалар ва услублар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Ўрганилган адабиёт таҳлилларига қўра, некробактериоз қўзғатувчиси *Fusobacterium* авлодининг намоёндаси бўлиб, йирик шоҳли молларда ўта оғир касалликларни чақиради. Некробактериоз асосан туёқларда йирингли-некротик яралар ҳосил қилишидан ташқари, бутун танага таъсир этишини ёдда тутиш керак. Патогенни кириши учун қулай шарт-шароит ва мойил органлар мавжуд бўлганда ушбу касалликнинг ҳар қандай таъсирида некротик жараённи ривожланишини кўриш мумкин.

МДҲ ва хорижий мамлакатларида некробактериоз бўйича олиб борилган

илмий тадқиқотлар ва амалий тажрибалар (Б.А.Башкиров ва Б.А.Скрипник, 1989; Д.Ш.Байтеряков, О.А.Грачева, 2015; В.В.Гимранов ва Р.А.Угеев, 2010; А.М.Коваленко ва И.Л.Левицкая, 2015; S.Dippel ва M.Dolezal, 2010; P.H.Anderson, 2004; M.Frigg ва O.Straub, 1992; C.K.Mulling ва H.H.Bragula, 1999 ва бошқ.) маълумотларига қараганда бир қанча омиллар некробактериоз келиб чиқишига сабаб бўлади, жумладан қорамолларда моцион етишмаслиги, организмда минерал моддалар, протеин етишмаслиги бирламчи сабаб бўлади. Ҳайвонларни сақлашда моцион етарлича бўлиши, ҳаво яхши айланиши, таглари шилта бўлмаслиги некробактериозни келиб чиқишига тўсқинлик қилади.

T.Manske ва J.Hultgren (2002) некробактериоз касаллигини келтириб чиқарувчи омиллар таъсирини 2 гуруҳга ажратган: биринчиси - тузулмавий (ички) ёки асосий, иккинчиси ташқи (иккиламчи) ёки атроф мухит таъсиrlари омилларига бўлиб ўрганишган. Тузулмавий омиллардан кимёвий боғланишлар, кератин, оқсил, кератин толалари туёқлар саломатлигига мухим ўрин эгаллайди. Бу омиллар кератизация касалликлари ва жараённи ривожланишини белгилайди, туёқлар ўзгаришига олиб келади. Бинобарин бу омиллар якуни некротик жараёнларни ривожланиши учун шарт-шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси шароитида юқори маҳсулдор қорамоллар некробактериози бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар етарли эмас. Бу йўналишда И.Х.Салимов (2015) некробактериозда патологик намоёнларнинг баъзи хусусиятлари бўйича тадқиқотлар олиб борган. У туёқларни ҳимоя шоҳ қобиғининг заифлашиши туёқларда ёриклар ва патоген микроблар некробактериоз ривожланишига олиб келиши тўғрисида маълумот берган.

Умуман, ўрганилган адабиёт таҳлиллари шуни кўрсатдик, турли ҳудудлардаги фермер хўжаликларида некробактериоз касаллигини келиб чиқиш сабаблари турли омилларга боғлиқ. Жумладан, ҳайвоннинг конституцияси, насли, ҳар хил иқлим шароитлари, озиқлантириш ва бошқа турли сабабларни кўрсатиш мумкин. Чет эл олимлари ва тадқиқотчилари томонидан некробактериозни келтириб чиқарувчи сабаблар турлича кўринишда келтириб ўтилган. Касалликни олдини олиш ва даволаш бўйича ишончли услубларнинг камлиги бу борада тадқиқотлар олиб боришга ундаиди.


Диссертациянинг **«Хусусий тадқиқотлар»** бобида сутчилик қорамолчилик хўжаликлари, сут йўналишидаги юқори маҳсулдор Голштин-Фриз, Симментал, Швиц зотли сигирлар, молхоналар ва бошқа ферма иншоотларида некробактериоз касаллигининг этиологик омилларини аниқлаш, республика ҳудудида тарқалишини ва етказадиган заарини ўрганиш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларининг тартиби ҳамда мақбул муддатларини ишлаб чиқишига йўналтирилган тадқиқотларда фойдаланилган клиник, морфометрик, бактериологик, патологоанатомик, биокимёвий, иммунологик тадқиқотлар, эпизоотологик ва статистик усуллар баён этилган.

Ушбу тадқиқотларнинг обьекти, предмети ва ҳажми ҳақида маълумот берилган. Бунда тадқиқотларимиз даврида Республиканинг барча худудларида олиб борилган некробактериоз касаллигининг эпизоотологик тадқиқотлари натижасида жами 324 қорамолчилик фермада 23210 бош сигирлар текширувлардан ўтказилди.

Некробактериоз касаллигини тасдиқлаш мақсадида лаборатория диагностикасида қўйидаги услублардан фойдаланилди: 1) патогенни аниқлаш учун заарланган тўқималардан мазок тайёрланиб, микроскопияда некробактериоз қўзғатувчисини топиш; 2) бактериологик тадқиқотлар - патоген қўзғатувчини ажратиб олиш; 3) биосинов – патологик материалдан ажратилган қўзғатувчини оқ сичқонларга юбориб касалликни клиник белгиларини кузатиш.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими қорамолларда оқсоқланиш даражасини баҳолаш ва оёқ дистал қисмларининг дифференциал ташҳислашда қўлланилган усулларга бағишлиланган бўлиб, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида олиб борилган тадқиқотларнинг таснифи келтирилган. Тадқиқотларга жалб этилган чорвачилик фермалари сутчилик йўналишида бўлиб, уларда Голштин-Фриз (жами 1290 бош), Симментал (1128 бош) ва Швиц (627 бош) зотли сигирларнинг таянч-харакатланиш тизимининг дисфункциялари ўрганишларидағи усул ва ёндашувлар ёритилган.

Некробактериоз қўзғатувчисига юқори таъсирга эга антибиотикларни саралаш тадқиқотлари *in vitro* усулда олиб борилганлиги ва ушбу усул ҳақида маълумотлар келтирилди. Бунда Китт-Тароцци суюқ озуқа муҳитига турли антибиотиклар қўшилиб, некробактериоз штаммларининг ўсиш динамикаси 10 кун мобайнида ўрганилди. Ҳар бир антибиотик таъсири кетма-кет икки карра суюлтириш услубида ўрганилди. Антибиотикларнинг максимал концентрацияси 32 мкг/мл бўлиб, кейинги суюлтиришлар 16 мкг/мл, 8 мкг/мл ва ҳоказоларни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Суюлтириш қаторида минимал тўхтатувчи концентрацияни аниқлаш

In vitro усулда сараланган самарали таъсир этувчи антибиотиклар кейинги даволаш ва олдини олиш тажрибаларида асосий воситалар сифатида қўлланилди.

Диссертациянинг «Некробактериоз касаллигининг эпизоотологияси ва этиологик омилларини аниқлаш ҳамда дифференциал диагностикасини ишлаб чиқишига доир тадқиқот натижалари» деб номланган учинчи боби Ўзбекистон Республикаси ҳудудида некробактериоз касаллигининг эпизоотологияси ва тарқалиш хусусиятлари, юқори маҳсулдор қорамоллар некробактериозининг этиологик омилларини аниқлаш ва дифференциал диагностикасини ишлаб чиқиши борасидаги тадқиқотлар баён этилган ва олинган натижалар таҳлил қилинган.

Ушбу маълумотларга кўра, Республиkanинг барча ҳудудларида олиб борилган некробактериоз касаллигининг эпизоотологик тадқиқотлари натижасида жами 324 қорамолчилик фермада 23210 бош сигирлар текширувлардан ўтказилди. Текширилган барча сигирлар орасидан оёқ дистал қисмлари дисфункцияси билан аниқланган сигирлар сони 7103 бошни (30,60%) ташкил этди. Улардан тожча флегмонаси билан касалланган сигирлар 966 бошни (13,59%), эрозия билан 808 бошни (11,37%), ламинит билан 911 бошни (12,82%), асептик пододерматит 787 бошни (11,07%) ва некробактериоз билан касалланган қорамоллар 3631 бошни (51,11%) ташкил этди.


Республика миқёсидаги фермер хўжаликларида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили юқори маҳсулдор соғин сигирлар орасида оқсоқланиш ва оёқ дистал қисмлари дисфункцияси 30,60% ҳолатларда учраши аниқланди. Жами 7103 бош оқсоқланаётган сигирларнинг 3631 боши некробактериоз билан касалланганлиги аниқланди, яъни туёқлари жароҳатланган сигирлар орасида некробактериоз касаллигининг тарқалиш даражаси 51,11% ни ташкил этди.

Республиканинг турли вилоятларидаги қорамолчилик фермер хўжаликларида юқори маҳсулдор сигирларнинг некробактериоз билан касалланиш даражаси турлича бўлиб, чорвачилик технологияси жадаллашган Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Фарғона ва Андижон вилоятларида юқорироқ бўлиши кузатилди (2-расм).

Юқори маҳсулдор Голштин-Фриз зотли сигирларни генетик келиб чиқиши оёқларда сурункали ва субклиник ламинитлар пайдо бўлиши, шартли юмшоқ туёқларни шоҳ қатламининг шикастланиши, орқа оёқларини тузилиши билан боғлиқ бўлиб Ўзбекистон шароитида туёқ касалликларига мойиллиги юқори эканлиги исботланди ва бу касалликлар фонида некробактериоз қўзғатувчиси тез ривожланиши аниқланди.

Эпизоотологик тадқиқотларни олиб бориш жараёнида некробактериоз касаллигининг мавсумийлиги ҳам ўрганилди. Бу мақсадда некробактериоз билан касалланган ҳайвонларни йил давомида қайд этилиши таҳлил қилинди (1-жадвал).

Некробактериоз билан касалланган сигирлар (%)



2-расм. Республиканинг турли вилоятларида юқори маҳсулдор сигирларнинг некробактериоз билан касалланиши

1-жадвал


Ўзбекистон Республикаси шароитида қорамолларда некробактериоз касаллигининг мавсумийлигини ўрганиш натижалари

Ой	Қайд этилган ҳайвонлар сони, бош	Касалланиш даражаси, %
Январь	479	13,19
Февраль	442	12,17
Март	425	11,70
Апрель	398	10,96
Май	255	7,02
Июнь	145	3,99
Июль	138	3,80
Август	182	5,01
Сентябрь	217	5,98
Октябрь	257	7,08
Ноябрь	294	8,10
Декабрь	399	10,99
Жами	3631	100

1-жадвалда республикамиз шароитида қорамолларда некробактериоз касаллигининг мавсумийлигини ўрганиш натижалари келтирилиб, максимал касалланиш даражаси декабрь-февраль ойларида қайд этилиши кузатилди. Объявонинг исиши, нисбий намликнинг пасайиши ва албатта, баҳор-ёз ойларида ҳайвонлар рационини кўк масса билан бойитилиши натижасида

некробактериоз билан касалланиш даражасини пасайиши кузатилди: июнь ойида 3,99%, июлда 3,80% ва августда 5,01%. Ҳаво ҳароратини пасайиши билан некробактериоз билан касалланиш даражаси яна қўтарилиши кузатилди. Ушбу ойларда некробактериоз билан касалланган сигирлар сони ёзги ойларига нисбатдан 3 баробар кўпроқ қайд этилди.

Юқори маҳсулдор қорамоллар некробактериозининг этиологик омилларини аниқлаш тадқиқотларида, биз аввалом бор *F.necrophorum* патоген таъсирининг пайдо бўлиши кўп жиҳатдан мажмуавий мойил омилларга боғлиқлигини инобатга олиб, ушбу омилларни бир мажмуада жамладик (3-расм).



3-расм. Қорамоллар некробактериозининг асосий этиологик омиллари мажмуаси

Некробактериоз касаллигини намоён бўлишда этиологик омиллар мажмуасидан катта қорин ацидози Ўзбекистон шароитида ўрганилмаганлиги сабабли, турли рационлар шароитида фермаларда қорамол некробактериозини учраш даражасини ўрганишни мақсад қилдик. Бу мақсадда турли рационлар қўллайдиган тўртта фермада катта қорин pH даражаси туёқ касалликлари билан боғлиқлигини ўргандик. Фермалар рацион таркибида қанд-протеин нисбати ва дағал озуқа-концентратлар нисбати кўрсаткичларига асосан танлаб олинди.

Олиб борилган рацион таҳлиллари озуқаларнинг жамламасида қанд-протеин нисбати тавсия этиладиган ўртача меъёрдан 4,5-5 баробарга кам эканлиги аниқланди. Турли рационларнинг катта қорин pH кислоталик кўрсаткичига таъсирини ўрганиш мақсадида икки ой мобайнида ҳар хафта озуқа зонди ёрдамида сигирларнинг катта қорин pH даражаси текширилиб борилди. Натижада қанд-протеин нисбати катта қорин кислоталик даражасига

таъсир этиб, сигирларнинг маҳсулдорлик ҳолатларига ҳам таъсир этиши аниқланди.

Катта қориндаги ацидоз ва субацидоз ҳолатлари қорамолларнинг туёқ соғломлигига таъсирини ўрганиш учун тўртта фермада жами 120 бош ҳайвонларда ўрганишлар олиб борилди. Аввал сигирлар рационидаги қанд-протеин нисбати ва катта қорин pH кўрсаткичи ўрганилиб, ушбу параметрлар туёқ касалликлари ва айниқса некробактериозни келиб чиқишига этиологик омил бўлиши синовдан ўтказилди. Натижалар қуйидаги 2-жадвалда келтирилади.

2-жадвал

Юқори маҳсулдор сигирлар рационидаги қанд-протеин нисбати ва катта қорин pH кўрсаткичи туёқ касалликларига билан корреляцияси

№	Ферма номи	Тадқикотдаги қорамол бош сони	Аниқланган туёқ касалликлари					Подадаги туёқ касалликларининг улуси, %
			Тожча флегмонаси	Эрозия	Ламинит	Асептик пододерматит	Некробактериоз	
1	Адиба	27	1	1	3	0	6	40,74
2	Тано	36	0	1	0	0	3	11,11
3	Зарметан зотдор чорваси	25	2	0	1	1	5	36,00
4	Алишер Лидер Файз	32	1	1	0	2	4	25,00
Жами		120	4	3	4	3	18	26,67

Юқори маҳсулдор сигирлар рационидаги қанд-протеин нисбати ва катта қорин pH кўрсаткичи туёқ касалликлари ва некробактериоз келиб чиқишига этиологик омил бўлишини ўрганиш синовлари натижаси тўғридан-тўғри корреляцияни кўрсатди. Масалан, «Адиба» фермасида озуқаларнинг қанд-протеин нисбати 0,206 га тенг бўлиб, катта қорин ўртача pH кислоталик кўрсаткичи 5,11 бўлгани аниқланди ва тегишли равишда туёқлар касалликлари улуси 40,74%ни ташкил этди. «Тано» фермасидаги молларда катта қорин ўртача pH кислоталик кўрсаткичи нисбатан меъёр кўрсаткичларига яқинроқ бўлиши (5,87), туёқлар касалликлари улуси пастлигига тўғридан-тўғри таъсир этганлиги маълум бўлди (11,11%). Бундай боғлиқлик некробактериоз касаллиги қайд этилишида ҳам аниқланди. Яъни некробактериоз билан касалланиш даражаси ҳам рационнинг қанд-протеин нисбати, ҳам катта қорин pH даражаси билан боғлиқлиги исботланди.

Некробактериознинг қўзғатувчиси *Fusobacterium necrophorum* соғлом чорва молларининг ҳазм қилиш трактининг меъёрий микроорганизмларидан

саналади. Шу сабабли некробактериозни омилларга боғлиқ инфекция, деб ҳисоблаш түғридир. Шунинг учун ҳам, *F.necrophorum* этиологик агент бўлишига қарамай, унинг патоген таъсирининг пайдо бўлиши (касалликнинг келиб чиқиши) кўп жиҳатдан қанд-протеин нисбати кўрсаткичи билан мувозанатланмаган озиқлантириш рационига ҳам боғлиқ. Унинг натижасида эса катта қорин ацидози юзага келиб туёқ касалликлари ривожланади. Сўнги йиллардаги маълумотларга асосланиб pH кўрсаткич 6,0 дан паст бўлган ҳолатда *Allisonella histaminiformans* (кам ихтисослашган бактерия) фаол ривожланиб, гистидиндан фойдаланади ва бу ферментациянинг якуний маҳсулоти гистамин (яллиғланиш медиатори). Гистамин юрак-ичак тизимиға таъсир қилади ва артериялар, микроқонайланиш йўллари капиллярларининг кенгайиши, капиллярусти сфинктерлари фалажлиги, қон томирлари деворлари ўтказувчанигинг ошиши, қоннинг суюқ қисмини интерстициал юзага ўтиб кетиши, қоннинг қуюқлашиши, артериал қон босимининг пасайиши кузатилади. Қон плазмаси моддаларининг интерстициал суюқликка ўтиб кетиши лимфа оқимининг ортиб кетиши, лимфадаги оқсилининг кўпайиши, асосан оёқларнинг дистал қисмларида шишлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли туёқ ҳужайралари озиқланиши бузилади, бунинг оқибатида эса – ламинит (некробактериоз инфекцияси дарвозаси) келиб чиқади.

Ўзбекистон шароитида оёқ дистал қисмининг некробактериоз касаллигини вақтида ва самарали даволашини таъминлаш мақсадида дифференциал ташҳислаш тизимини ишлаб чиқиши ва ветеринария амалиётига жорий этиш тадқиқотлари Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги фермер хўжаликларида олиб борилди. Тадқиқотларимиз жараёнида қайд этилган оёқ дистал қисмлари асосий касалликлари клиник белгиларининг умумий жамланмаси ишлаб чиқилди. Касалликнинг клиник намоёнлари турлича бўлишини эътиборга олган «Асосий туёқ касалликларнинг клиник белгилари жамланмаси» ветеринария амалиётида муваффақиятли синовдан ўтказилди.

Синовлар учун танланган сутчилик йўналишидаги чорвачилик фермалари бўлиб, уларда Голштин-Фриз (жами 1290 бош), Симментал (1128 бош) ва Швиц (627 бош) зотли сигирларнинг таянч-харакатланиш тизимиning дисфункциялари ўрганилди.

Корамолларда оқсоқланиш даражасини баҳолаш тизими орқали 3045 бош сигирлардан ажратиб олинган 364 бошда физиологик кўрсаткичлар ўрганилганда, тана ҳарорати нормадан $0,6^{\circ}\text{C}$ даражада юқорилиги, нафас олиш ва юрак уриш тезлиги ошганлиги, деярли барчасида (95%) туёқларда турли жароҳатлар борлиги ва якуний диагностикада 244 бошида (67,03%) некробактериоз қўзғатувчиси, *F.necrophorum* мавжудлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Некробактериоз касаллигини даволаш ва олдини олиш**» деб номланган тўртинчи бобида некробактериоз қўзғатувчисига қарши юқори таъсирга эга антибиотикларни саралаш ва самарали даволаш услубларини ишлаб чиқиши, некробактериоз касаллигининг олдини олишда

самарали тадбирларни ишлаб чиқиши, некробактериоз касаллигини олдини олиши ва даволашларнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил натижалари келтирилаган.

Қорамоллар некробактериоз касаллигини даволашда самарали услуга ва воситаларини яратишида, кенг амалиётда қўлланиладиган антибиотикларга резистент бўлган *F.necrophorum* касаллик қўзғатувчисига самарали таъсир этувчи антибиотикларни саралаш, қўллаш услугубарини ишлаб чиқиши ва синовдан ўтказиши тадқиқотлари натижаларида ҳам *in vitro* усулда ва кейинчалик умумий антибиотикотерапияда клиндамицин фосфат самарадорлиги энг юқори эканлиги аниқланди.

Некробактериоз касаллигининг олдини олишда самарали тадбирларни ишлаб чиқиши мақсадида тадқиқотларимизни ҳар томонлама самарали туёқ ванналар таркибларини ва қўллаш услубини ишлаб чиқишига йўналтиридик.

Бу мақсадда тажрибалар Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида жойлашган (Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятлари) 3 та фермер хўжаликларида олиб борилди.

Жами бўлиб 1107 бош Голштин-Фриз зотига мансуб соғин сигирлар уч гурухга бўлинниб, уч хил таркибли туёқ ванналари самарадорлиги ўрганилди. Ванна учун қўлланилган кимёвий воситалар - мис купороси, формалин, тетрациклин қукуни – турли нисбатларда қўлланилди (3-4-жадвал).

3-жадвал

**Туёққа ишлов бериш ванналари учун дезинфекция қилувчи
эритмаларнинг таркиби**

<i>Кимёвий восита номи</i>	<i>Сув аралаши масидаги миқдори</i>
Эритма 1	
Мис купороси	5% ли эритма
Формалин	3% ли эритма
Тетрациклин қукуни	3%ли эритмаси
Эритма 2	
Мис купороси	7% ли эритма
Формалин	4% ли эритма
Тетрациклин қукуни	2% ли эритмаси
Эритма 3	
Мис купороси	10% ли эритма
Формалин	5% ли эритма
Тетрациклин қукуни	1% ли эритмаси

Биринчи гуруҳ ҳайвонлари «Эритма 1» ванна ишловидан ўтказилган бўлса, иккинчи гуруҳ ҳайвонлари «Эритма 2» ваннасидан ўтказилди ва учинчи гуруҳга эса «Эритма 3» ваннасида ишлов берилди. Кимёвий ванна ҳайвонлар соғишига борадиган йўлакчасида ташкил қилиниб, узунлиги 2,5 метр, эни 1 метр, чуқурлиги эса 15 см ни ташкил этди. Яъни, ҳайвонлар кунига икки маротаба ванналардан ўтказилди. Бу ваннадан олдин ҳайвонлар оддий сув

билин тўлдирилган ваннадан ўтказилиб, туёқлардаги гўнг ҳамда лойларни ювилишига ва бу билан кейинги ваннадаги дориворларни тери ва туёқ юзаларига фаолроқ таъсири таъминланди. Бундан ташқари, дори воситаларини тежаш имкони ҳам яратилди, чунки ифлосланган ванна сувини амалда ҳар 100 ҳайвон ўтгандан кейин алмаштириш лозим эди.

4-жадвал

Уч хил ванналарнинг туёқ касалликларига олдини олиш таъсири

Гурух	Ҳайвонлар сони, бош	Асосий туёқ касалликлар қайд этилган сигирлар сони, бош*		
		Некробактериоз	Тожча флегмонаси	Ламинит
1	364	5	6	4
2	278	3	3	2
3	465	0	0	2
Жами	1107	8	9	8

*ишилов берилишидан бошлаб, 14 кундан сўнг

Тадқиқотлар натижаларида, «Эритма 3» ванналари самарали таъсир этиб, некробактериоз билан касалланган сигирлар қайд этилмади, биринчи ва иккинчи гуруҳларда эса некробактериоз билан касалланган сигирлар сони мос равишида 5 ва 3 бошни ташкил этди. Тожча флегмонаси билан касалланган сигирлар сони учинчи гуруҳда қайд этилмаган бўлса, биринчи гуруҳда 6 бош, иккинчи гуруҳда эса 3 бош қайд этилди. Ламинит билан касалланган сигирлар сони учинчи гуруҳда 2 бош, биринчи гуруҳда 4 бош, иккинчи гуруҳда эса 2 бошни ташкил этди. Демак, Голштин-Фриз сигирлари парваришланаётган фермаларда некробактериоз ва туёқ касалликларини даволаш ҳамда олдини олишда «Эритма 3» ванналаридан фойдаланиш юқори самарага эга.

ХУЛОСАЛАР

1. Республикализ фермер хўжаликларидаги юқори маҳсулдор соғин сигирлари орасида оқсоқланиш ва оёқ дистал қисмлари дисфункцияси 30,60% ҳолатларда учраши аниқланди. Жами 7103 бош оқсоқланаётган сигирларнинг 3631 боши некробактериозга чалинган бўлиб, касалликни тарқалиш даражаси 51,11% ни ташкил этди.

2. Юқори маҳсулдор соғин сигирлар орасида оёқ дистал қисмлари касалликлари қуидаги тарқалганлиги аниқланди: некробактериоз 51,11%, тожча флегмонаси билан 13,59%, эрозия билан 11,37%, ламинит билан 12,82% ва асептик пододерматит 11,07% ни ташкил этди.

3. Тадқиқотларда маҳсулдор қорамоллар орасида туёқлардаги патологиялар республикамиз қорамолчилик хўжаликларида тарқалиш бўйича мастит ва репродуктив органлар патологиясидан қўпроқ учраши аниқланди. Айниқса голштин-фриз зотли сигирлар туёқ муаммоларига қўпроқ дучор бўлиши мамлакатимизда сутчиликка ихтисослашган хўжаликларида сезиларли иқтисодий зарар етказиши аниқланди.

4. Некробактериоз мавсумий характерга эга бўлиб, юқори касалланиш даражаси қиши ойларида кузатилди. Ушбу ойларда касалланган сигирлар сони ёз ойларига нисбатдан 3 баробар кўпроқ қайд этилди.

5. Маҳсулдор сигирлар рационидаги қанд-протеин нисбатининг номутаносиблиги ва катта қорин суюқлигига кислоталикнинг ошиши туёқ касалликлари келиб чиқишида этиологик омиллар бўлишида тўғридан-тўғри корреляцияни кўрсатди. Бундай боғлиқлик некробактериоз касаллигини қайд этилишида ҳам аниқланди. Қорамолчилик фермаларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида турли рационларда некробактериоз билан касалланган сигирлар улуши 8,33%дан 22,22% ташкил этиши аниқланди.

6. Ўзбекистон шароитида оёқ дистал қисми некробактериозини вақтида самарали даволашнинг дифференциал ташхислаш тизими ишлаб чиқилиб, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг фермер хўжаликларида муваффақиятли синовлардан ўтказилди.

7. *F.necrophorum* кўзгатувчисига самарали таъсир этувчи антибиотикларни аниқлашда *in vitro* тажрибаларда самадорлиги энг юқори антибиотиклардан Клиндамицин фосфат, 300 мг/мл, Линкомицин гидрохлорид, 100 мг/мл, Амоксициллин тригидрат, 150 мг/мл амалиётда синовдан ўтказилди. Тажриба кўрсаткичларига кўра Клиндамицин фосфат препаратининг даволаш самарадорлиги 91,66%ни ташкил этиб, бошқа антибиотикларга нисбатдан сезиларли даражада устунлиги намоён бўлди.

8. Некробактериозни олдини олишда Ўзбекистон шароитида иқтисодий томондан тежамкор ва некробактериозга самарали таъсир этувчи туёқ ванналари таркиби ҳамда кўллаш услуги ишлаб чиқилди ва қиёсий синовлардан ўтказилди. Таркиби мис купороси (10% ли эритма), формалин (5%), тетрациклин кукунидан (1%) иборат ванна («Эритма 3») некробактериозга самарали таъсир этувчи ва жароҳатларни тезда битказувчи хусусиятга эга эканлиги аниқланди.

9. Тадқиқотларимиз натижаларида ишлаб чиқилган некробактериозни олдини олиш ва даволаш услубларининг иқтисодий самараси 500 бош соғин сигирдан иборат ферма учун йилига 746 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРИИ

ХУДОЁРОВА ФЕРУЗА АБДУСАТТОРОВНА

**ЭТИОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ЛЕЧЕНИЕ И ПРОФИЛАКТИКА
НЕКРОБАКТЕРИОЗА ВЫСОКОПРОДУКТИВНЫХ КОРОВ**

**16.00.03 – Ветеринарная микробиология, вирусология, эпизоотология, микология с
микотоксикологией и иммунология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по ветеринарным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2020.3.PhD/V6.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском инс ветеринарии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samvimi.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:

Хамдамов Хабибуло Аблокулович
доктор ветеринарных наук

Официальные оппоненты:

Мамадуллаев Гулмурод Хамидович
доктор ветеринарных наук

Менглиев Гайрат Акрамович
кандидат ветеринарных наук

Ведущая организация:

Ташкентский государственный аграрный
университет

Защита диссертации состоится «10 07 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 при Самаркандском институте ветеринарной медицины (Адрес: 140103, Самарканд, ул. М.Улугбека, дом 77, тел: (99866) 234-76-86; e-mail: www.samvimi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института ветеринарной медицины (зарегистрирована за №14284). Адрес: 140103, Самарканд, ул. М.Улугбека, дом 77, тел: (99866) 234-76-86.

Автореферат диссертации разослан «25 06 2021 г.
(протокол рассылки № 11 от «25 06 2021 г.)



Х.Б.Юнусов

Председатель научного совета по
присуждению учёной степени, д.биол.н.,
профессор

Ш.Х.Курбанов

Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёной степени, к.вет.н.,
доцент

К.Н.Норбоев

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёной
степени, д.вет.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день некробактериоз коров является широко распространенной инфекцией в мире, под воздействием комплекса патогенных факторов возбудителя, по заболеваний копыт, наблюдаемые большей частью поражения желудка, абсцесс печени, некроз вымени, эндометрит, вагинит наносят больший экономический ущерб. В практике стран с интенсивным скотоводством, в частности, в таких странах как «Канада, США, Нидерланды, Германия, Венгрия, и Франция, проблемы копыт в скотоводческих хозяйствах по распространённости занимают третье место после маститов и патологий репродуктивных органов»⁴, а также «вызывают потери живого веса коров до 30-40%, снижение молочной продуктивности в течение одной лактации до одной тонны, а также ранней выбраковки 25% животных»⁵. Кроме того, некробактериоз животных наносит большой экономический и социальный ущерб вследствие снижения качества животноводческой продукции.

Во многих странах мира проводится ряд научных исследований, посвященных распространённости, причинам, патогенезу, реакции иммунной системы животных, лечению и профилактике заболеваний дистальной части конечностей у сельскохозяйственных животных. В связи с этим большое внимание уделяется исследованиям по своевременной диагностике и искоренению некробактериоза, широко распространенного среди крупного рогатого скота интенсивных хозяйств, где основными злободневными задачами являются изучение эпизоотологии некробактериоза, этиопатогенеза и сезонности заболевания, а также разработка эффективных методов лечения и профилактики.

В последние годы в нашей стране большое внимание уделяется модернизации и развитию животноводческой отрасли. При этом в целях продовольственной безопасности важно обеспечить население качественными и безопасными продуктами питания. В приоритетных задачах развития, изложенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан»⁶ «...дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции за счет бесперебойного снабжения населения продуктами питания» определена одной из самых важных задач. В результате принимаются надежные меры по профилактике различных инфекционных, незаразных и инвазионных заболеваний сельскохозяйственных животных. В связи с этим необходимо

⁴ Malchiodi F., Jamrozik J., Christen A.-M., Fleming A., Kistemaker G.J., Richardson C., Daniel V., Kelton D.F., Schenkel F.S., Miglior F. Symposium review: Multiple-trait single-step genomic evaluation for hoof health. *Journal of Dairy Science*. VOLUME 103, ISSUE 6, P.5346-5353, 2020. DOI:<https://doi.org/10.3168/jds.2019-17755>.

⁵ Thomsen P.T., Foldager L., Raundal P., Capion N. Lower odds of sole ulcers in the following lactation in dairy cows that received hoof trimming around drying off. *The Veterinary Journal*, Volume 254, 2019, 105408., <https://doi.org/10.1016/j.tvjl.2019.105408>.

⁶ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947 от 7 февраля 2017 года. Сборник законодательных Республики Узбекистан. 2017 год

